

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.14636153>

## НАВОИЙ ТИЛИ ВА НАЗАРИЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРГА ҚАРАШЛАРИ

Эшбеков Б.Н

Самарқанд тиббиёт Университети бўлим бошлиғи

*Аннотация:* Мақолада сиёсат сўзининг шарқ халқ тилларида қандай келиб чиққанлиги унинг бевосита луғавий маъноси, шунингдек Алишер Навоий бобомизнинг қарашлари ва ўша даврдаги одамларнинг сиёсий жараёнларга қарашлари акс эттирилган.

*Калит сўзлар:* сиёсий жараёнлар, сиёсат, давлат, жамият, сиёсатшунослик.

Сиёсат сўзининг Шарқ халқлари тилларида хусусан, мусулмон шарқи халқлари тилларида келиб чиқиши хусусида фикр билдириб ўтиш лозим. Ҳозирги замон ўзбек тилида ва бошқа мусулмон шарқи халқлари тилларидаги “сиёсат” сўзи - араб тилидаги “сияса” “сиясах”, “сиясат”, “сиёсат” сўздан олинган бўлиб, унинг бевосита луғавий маъноси қуйидагича изоҳланган:

1) Сиёсат сўзи– жазога лойиқ кишиларнинг жазосини беришда шиддат кўрсатиш, дўк, пўписа қилиш;

2) Ҳукмронлик кўрсатиш; ҳукмдорнинг ўз қўли остидагиларни жазолаш ва кўрқитиш йўллари билан бўйсундириб, интизомда сақлаши; Масалан: Сиёсат қилғулуқ – даҳшат қилинадиган, кўрқитиладиган, жазога тортиладиган; сиёсат/гоҳ – (араб/форс) - жазо майдони, жазога тортиладиган жой<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> П.Шамсиев., С.Иброҳимов., Навоий асарлари луғати Тошкент Ғ.: Фулом номидаги адабиёт ва санъат

Бу изоҳлар ва келтирилган мисоллар, она тилимиз – ўзбек мумтоз тили ва адабиёти асосчиларидан бири Амир Алишер Низомиддин Навоий асарлари мисолида ва унинг асарлари изоҳли луғатларида келтирилганлигини айтиб ўтишимиз лозим.

Қадимги дунё ва ўрта асрлар шароитида сиёсатда ёки бошқача айтганда, ижтимоий интизомни сақлашда ва жамиятни бошқаришни айнан кўрқитиш ва дўқпўписа қилиш услуби кенг қўлланилгани, ҳатто ҳозирги замон сиёсий бошқаруви услубини ҳам фавқулодда шакли мажбурлаш услуби эканлигини ҳисобга олганда, сиёсат сўзининг шарқона келиб чиқиши варианти мантиққа яқинроқ эканлиги кўринади. Сиёсий ҳокимият бошқа ҳокимиятлардан фарқи ва хусусияти шундаки, у қабул қилган қарор ва қонунлар ҳамма учун умумийлиги, мажбурийлиги туфайли, ўз фаолиятида ҳамма учун мажбур бўлган қонунлар билан таъсир ўтказди. Бу ҳол унинг ҳамма вақт мажбурловчи жиҳатини англатади.

Алишер Навоий тили ва назарий қарашларида “сиёсат” сўзи талқинига келганимизда ҳам, улуғ мутафаккир асарларида сиёсатни қатъият, дўқпўписа, ўз қудратини намойиш этиш, ўз иродасини ўтказиш услуби сифатидаги мазмунини англаш мумкин. Лекин Навоийда бундай “сиёсат” адолатсизликка, ҳақсизликка нисбатан қўлланиладиган чора сифатида ифодаланган. Масалан: “Маҳбуб ул-қулуб”даги “одил салотин зикрида” фаслида “... заллама ва авонлар анинг тиғи сиёсатидин фарсуда” – яъни- одил подшоҳнинг тиғи (қиличи) даҳшатидан золим ва бебошлар ҳар томонга қочиб тўзиб кетадилар. Яна шу ерда “... сиёсатидин мусофир кўнгли қароқчи ваҳмидин мутмаин (тинч, хотиржам)”<sup>1</sup>

“Фарҳод ва Ширинда”

Бировким топса шаҳлиғдин риёсат,

---

нашриёти 1972.- Б 556-557.

<sup>1</sup> Навоий А. Маҳбуб ул-қулуб МАТ 20 томлик Т.: “ФАН” 1998. 14 жилд Б- 12. яна қаранг С.Олим Навоий ёшларга Т.: 2008.- Б- 58-59.

Тузуқ бўлмас иши қилмай сиёсат<sup>1</sup>.

Ёки:

Шаҳ ар тиғи сиёсат қилмаса тез,  
Чекилгай халқ аро юз тиғи хунрез<sup>2</sup>.

Яна шу ерда:

Сиёсатни биров чун қилди бунёд,  
Бўлур тадриж бирла таъби муътод<sup>3</sup>, - дейди

“Садди Искандарий”да:

Адолат аро фасли наврўздек,  
Сиёсатда барқи жаҳонсўздек<sup>4</sup>.

Яъни сиёсатчи, подшоҳ адолатда наврўз ҳавосидек ҳаётбахш, сиёсатда яшин сингари жаҳонни куйдиргудек, - дейди. Яна:

Адолат тариқин фош айлади,  
Сиёсат анга дурбош айлади<sup>5</sup>.

Алишер Навоий қарашларида сиёсатга ўзига хос ёндашувлар мавжуд бўлиб, турли даврларда кечган сиёсий ҳодисалар турли хил талқин этилган. Навоий асарларида ҳам ўрта асрлар тафаккурига хос ҳар бир воқеликни, кечаётган жараёнлар, тизим ва тартиботни илоҳий куч билан боғлаб тушуниш, яратгувчини унинг асосий сабаби, манбаи деб ҳисоблаш анъанаси сезилиб туради. Бундай қараш Навоийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари акс этган ҳеч бир асарини четлаб ўтмаган. Бугунги сиёсий фанлар тизимида бу теократик қарашлар деб аталади<sup>6</sup>.

Яна бир изоҳга кўра сиёсат сўзи арабча **сиясах** – яъни, ёввойи, асов

<sup>1</sup> Навоий.А. Фарход ва Ширин МАТ 20 томлик Т.: “ФАН” 1991.- 8 жил Б-108.

<sup>2</sup> Шу манба Б-109

<sup>3</sup> Навоий.А. Фарход ва Ширин МАТ 20 томлик Т.: “ФАН” 1991.- 8 жил Б-108.

<sup>4</sup>Навоий А. Садди Искандарий МАТ 20 томлик Т.: “ФАН” 1993.- 11 жилд Б 107.

<sup>5</sup> Шу манба Б-109

<sup>6</sup> Норов Т. Алишер Навоий ижтимоий қарашларининг фалсафий таҳлили. Монография. – Т.: 2016. –Б. 40-50.

отларни қўлга ўргатиш, ювош қилиб тарбиялаш амалини, шу турдаги иш билан машғул бўлган киши, кишиларни англаган сўздан олинганлиги айтилади<sup>1</sup>. Бу ерда мажозий маънода, жамиятда турфа хулқ-атворли кишиларни ҳаракати асов отга ўхшатиш ва уни жиловлаш санъатини сиясаҳ – яъни асов отни жиловлаш киши, кишилар назарда тутилганини англашимиз мумкин.

Сиёсий маданият ва сиёсий онг, ҳар бир давр ва ижтимоий муносабатлар муҳитига бевосита боғлиқ бўлади. Ўзбек халқи сиёсий маданияти ҳам ҳамонлар оша унинг ижтимоий-маиший, сиёсий-ҳуқуқий, бадий-фалсафий меросида мужассам дейиш мумкин. Тахминан XVIII-XIX асрларда яратилган бир халқ қўшиғида шундай ҳасратли ғояни уқиш мумкин:

Бир одил подишоҳ бўлса,  
Ҳар ким севгонин олса.

Агар ўтган асрлардаги сиёсий вазият ва сиёсий маданиятни тасаввур қилганимизда, бу қўшиқ, ўша давр халқининг сиёсат соҳасидаги, адолатнинг энг юксак кўриниши сифатида, халқни олий нияти сифатида куйланган. Шу одий сатрда жамиятнинг ижтимоий-сиёсий муносабатлар муҳити ўз аксини топган. Бу ерда халқнинг сиёсий маданиятининг ўзвий қисми сиёсий онг, сиёсий хулқ-атвори мужассамдир. Гарчи мажозий бўлсада, ҳар қим ўз севганига эришса, бунадай эркинликни таъминлаган подшоҳ энг адолатлиси деб, юксак баҳоланаяпти.

Умуман сиёсат сўзининг (киши исми мисолида) Шарқ тилларида келиб чиқиши билан боғлиқ жуда қизиқарли талқинлар бор. Хусусан, унинг араб тилидан келиб чиқиши билан асосланган фикрларга кўра, “Сиясат”даги “си” сўзи сўзма-сўз таржимада “ёруғлик”, “равшанлик” дегани. Бироқ унинг, мажозий мантиқи, дунё, олам деган маънода қўлланилади ва “сиёсат олами”, “сиёсат дунёси”ни билдиради. Яна бир талқинга кўра умуман “зукколикни” ёки “бошқарувда зукколик” маъноларида келади. Бошқа талқинларга кўра,

сиёсат сўзи туркий тиллардан келиб чиққан бўлиб, “айёрлик”, “хийлагарлик” деган маънони беради дейилган. Бу ўринда ҳам бу сўзларнинг мантиқи мажозий маъноси эса, фавқулода вазиятларда зукколик билан ностандарт қарор қабул қилиш маҳорати тарзида талқин қилиш мумкин<sup>1</sup>.

Назаримизда сиёсат сўзининг келиб чиқиши ва ҳозиргача мавжуд сиёсий тизимлар табиатидан келиб чиқиб, хулоса қилинадиган бўлсак, араб ва туркий тиллардаги сиёсат истилоҳлари давлат ва сиёсатнинг ҳақиқий мантиқига яқин дейиш мумкин. Чунки, сиёсий бошқарувда юқорида келтирилган фазилат ва ҳатто лозим бўлса иллатларга асосланган услублар қўлланилади. Сиёсий онг ҳам сиёсий бошқарув табиатидан келиб чиқиб шаклланади ва камол топар экан, у минтақа ёки мамлакатдаги сиёсий тизимлар, тузумлар табиатига мос равишда бўлади. Шу боисдан ҳам турли халқлар, жамиятлар ҳатто айрим жамоаларда, турли социал гуруҳ ва қатламларда сиёсий онг ва маданият бир-бирига сира ўхшамаган бўлиши табиий ҳол.

Агар гап бевосита сиёсий онг хусусида борар экан, унинг замонавий сиёсатшунослик илмида жуда баҳс-мунозарали, ихтилофли мавзулардан бири эканлигини айтиш муҳим. Масалан, А.А.Борисенков ўз тадқиқотларида сиёсий онгни сиёсий билимларнинг энг муҳим ажралмас таркиби, муҳими сиёсий онг сиёсий били ва маданиятнинг белгиловчи манбаси эканлигини таъкидлайди. Шу билан бирга сиёсий маданият ва сиёсий онг тадқиқи ва ҳозирда мавжуд бўлган илмий хулосаларга жиддий эътирозлар, қатъий қарши фикрлар ҳам борлигини эътироф этади<sup>2</sup>. У сиёсий онгнинг таркибини ташкил этган сиёсий билимларни қуйидагича тизимлаштиради: сиёсий билимнинг асосий қисми – илмий ва ноилмий асосларидан иборат бўлиб, ноилмийси: доимий кундалик ва назарий қисмлардан иборатлиги, илмийси

<sup>1</sup> Имя «Сиясат»: версии о происхождении и значении имени. <https://famiry.ru/database/names/siyasat>. Яна қаранг Ўзбек тилининг изоҳли луғати. <https://izoh.uz/uz/word/siyosat>

<sup>2</sup> Борисенков А.А. О политическом сознании // Философская мысль. 2013. № 4. С. 1-29. DOI: 10.7256/2306-0174.2013.4.227 URL: [https://nbpublish.com/library\\_read\\_article.php?id=227](https://nbpublish.com/library_read_article.php?id=227)

эса: эмпирик ва назарий қисмлардан иборат эканлигини айтади<sup>1</sup>.

Биз олимнинг фикрига қўшимча сифатида шуни айтишимиз мумкинки, ҳамма соҳаларда бўлганидек, сиёсатшунослик илмида ҳам ҳаммаси орзу қилинганидек, ёки назарийчилар асослагандек силлиқ кечмайди. Назария бошқа амалиёт бошқа. Бу ерда Гётенинг машҳур иборасини эслаш ўринли: *“Назария қуруқдир дўстим, лекин, яшнар ҳаёт дарахти”*. Муаммо шундаки, кўплаб назариялар шаклланиб улгурмаёқ эскиради. У реал ҳаётга мос келмай қолади. Яна бир жиҳати борки, кўплаб назариялар шунчаки сиёсий популизмдан иборат бўлиб, уларни амалиётга тадбиқ этишни умуман имкони йўқ. Яна бир жиҳати, яратилган назариялар ёки концепциялар уларнинг яратган муаллифларининг фаразлари, ҳаваслари ва фантазияларидан иборат бўлади<sup>2</sup>

Юқоридаги берилган турли таъриф ва талқинларга таянилган ҳолда сиёсий онгга умумий тарзда қуйидаги таърифлар берилган: Сиёсий онг бу – фуқаро ёки фуқароларнинг сиёсат соҳасида сезгилари, сиёсий муҳит ҳолатидан кайфияти, билимлари, баҳолари, башоратларининг идрок қилиш тизими ҳисобланади. Сиёсий онг ўз ичига шахснинг соҳадаги қарашлари, дунёқараши, тасаввурлари, туйғулари, эътиқоди, одамларнинг ҳиссиётлари, кайфияти, жамият ҳаёт тарзини ташкил қилган моддий ашёлар ва жамиятда юз бераётган бутун ўзгаришлар тизими бўлиб, бу билимлар тизими ва баҳолар, алоҳида индивидлар, гуруҳлар, синфлар, табақаларнинг умумий муносабатларида содир бўлаётган жараёнлар билан уйғунлашади. Шу зайдда сиёсий онг сиёсий ҳаётни бутун, яхлит фаолият юритишини ва тараққиётини таъминловчи асосий элементи ҳисобланади.

<sup>1</sup> Борисенков А.А. О политическом сознании // Философская мысль. 2013. № 4. С. 1-29. DOI: 10.7256/2306-0174.2013.4.227 URL: [https://nbpublish.com/library\\_read\\_article.php?id=227](https://nbpublish.com/library_read_article.php?id=227)

<sup>2</sup> Норов Т.О. Ҳуқуқий, дунёвий ва ижтимоий давлат тушунчалари: назария ва амалиёт.

<https://www.oriens.uz/media/conferencearticles/49-%D0%9D%D0%BE%D1%80%D0%BE%D0%B2-%D0%A2%D0%BE%D0%B6%D0%B8-%D0%9E%D0%BC%D0%BE%D0%BD%D0%BE%D0%B2%D0%B8%D1%87-443-456.pdf>

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. П.Шамсиев., С.Иброҳимов., Навоий асарлари луғати Тошкент Ғ.: Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти 1972.- Б 556-557.
2. Навоий А. Маҳбуб ул-қулуб МАТ 20 томлик Т.: “ҒАН” 1998. 14 жилд Б-12. яна қаранг С.Олим Навоийёшларга Т.: 2008.- Б- 58-59.
3. Навоий.А. Фарҳод ва Ширин МАТ 20 томлик Т.: “ҒАН” 1991.- 8 жил Б-108.
4. Шу манба Б-109
5. Навоий.А. Фарҳод ва Ширин МАТ 20 томлик Т.: “ҒАН” 1991.- 8 жил Б-108.
6. Навоий А. Садди Искандарий МАТ 20 томлик Т.: “ҒАН” 1993.- 11 жилд Б 107.
7. Шу манба Б-109
8. Норов Т. Алишер Навоий ижтимоий қарашларининг фалсафий таҳлили. Монография. – Т.: 2016. –Б. 40-50.
9. Имя «Сиясат»: версии о происхождении и значении имени. <https://famiry.ru/database/names/siyosat>.
10. Яна қаранг Ўзбек тилининг изоҳли луғати. <https://izoh.uz/uz/word/siyosat>
11. Борисенков А.А. О политическом сознании // Философская мысль. 2013. № 4. С. 1-29. DOI: 10.7256/2306-0174.2013.4.227 URL: [https://nbpublish.com/library\\_read\\_article.php?id=227](https://nbpublish.com/library_read_article.php?id=227)
12. Борисенков А.А. О политическом сознании // Философская мысль. 2013. № 4. С. 1-29. DOI: 10.7256/2306-0174.2013.4.227 URL: [https://nbpublish.com/library\\_read\\_article.php?id=227](https://nbpublish.com/library_read_article.php?id=227)
13. Норов Т.О. Ҳуқуқий, дунёвий ва ижтимоий давлат тушунчалари: назария ва амалиёт. [https://www.oriens.uz/media/conferencearticles/49\\_%D0%9D%D0%BE%D1%80%D0%BE%D0%B2\\_%D0%A2%D0%BE%D0%B6%D0%B8\\_%D0%9E%D0%BC%D0%BE%D0%BD%D0%BE%D0%B2%D0%B8%D1%87\\_443-456.pdf](https://www.oriens.uz/media/conferencearticles/49_%D0%9D%D0%BE%D1%80%D0%BE%D0%B2_%D0%A2%D0%BE%D0%B6%D0%B8_%D0%9E%D0%BC%D0%BE%D0%BD%D0%BE%D0%B2%D0%B8%D1%87_443-456.pdf)